



2016 у.г. «18» ноябр №2794-к Самарқанд т. – р. Самарқанд

Фуқаро Вафоев Аълам Рауфовичга тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига айлантириш ҳақида

Тумандаги “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини, “Окмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Вафоев Аълам Рауфовичга тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантириш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона дарча” марказига ёзган аризасини кўриб чиқиб, туман архитектура ва қурилиш бўлимининг 2016 йил 4 ноябрдаги 16-сонли хулосаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини, “Окмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Вафоев Аълам Рауфовичга тегишли уй-жойни, мазкур қарорга илова қилинган кадастр ҳужжатларининг иш режасида чегаралари кўрсатилган 1/4 литердаги омборхона майдони 86,55 м.кв.-дан иборат бўлган бино-иншоотлар турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантиришга рухсат берилсин ҳамда умумий 86,55 м.кв. ер майдонидан нотурар жой тоифаси сифатида доимий фойдаланишга рухсат берилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонаси (Т.Шаропов), туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қаршиев), туман давлат солиқ инспекцияси (З.Зохидов), туман статистика бўлими (Ж.Зарипов) ҳамда тумандаги “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини (З.Давронов)ларга фуқаро Вафоев Аълам Рауфовичга тегишли уй-жойини бир қисмини турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўконига айлантирилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Вафоев Аълам Рауфович зиммасига: а) савдо дўконининг ташқи кўринишини архитектура лойихаси ҳамда талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, маҳсул гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш вазифаси топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ.Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Қадиروف